



Г. Таубенинг “Олой маликаси” китобида ёзилишича (Козон, 1889 йил), киргизлар рахнамоси Олимбек додхох 1865 йили Чимкентда русларга карши бўлган жангда огир яраланиб шахид бўлгач, халк унинг эллик икки ёшли хотини Курбонжонни додхох килиб сайлади. Аммо маккор рус боскинчилари бу жасур, окила, матонатли аёлни курул кучи билан енгилга йўл тополмай, фитна-алдовга ўтишади. Туркистон генерал губернатори фон Кауфман Курбонжоннинг икки саркарда ўгли Абдуллабек ва Ботирбекларнинг фаолиятини чеклайдиган алдов шартномага имзо чекишга мажбурлайди. Бошқа ўгли Маматбек ва икки набирасини Сибирга сургун қилишади. Кенжа ўғил Камчибекни эса Ўшда дорга осадилар.

Додхох ўглининг дорга осилаётганини ўз кўзи билан кўриб турган. Сокчиларсиз қатл жойига келиб, ўглининг жазога тортилишини мик этмай кузатиб турган ва ялиниб келиш ҳақидаги русларнинг умидини пучга чиқарган. Агар ўшанда Курбонжон додхох битта ишора қилиб қўйганида Олойнинг жамики киргизлари ўзбеклари отланиб, унинг ўғлини қутқариб қолишарди. Аммо доно аёл халкнинг минглаб ўғлонлари қурбон бўлганидан кўра ўз ўглининг қатлига гувоҳ бўлиб туришни афзал қўрди. Аллох таоло раҳматига олсин!

Абу Муслим